

[illegible]

 Андигон Вилояти

Улуғиор туманидаги бир қатор фермер ҳўжалик-лари галлазорларига биринчилардан бўлиб комбайнлар киритилди. Отрад усулида иш ташкил этиш босис кечга бориб, “Чўл эди, бўлди бўстон” ва “Бешчаноқ хирмони” фермер ҳўжаликларида шартнома режалари даражасида ҳосил йиғиб олинди. Ушбу фермер ҳўжаликларининг раҳбар-лари Шаҳобиддин Исмоилов ва Ўринбой Қосимов-лар вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совринла-рига муносиб кўрилди.

▼ ФАЛЛА — 2012

ДАСТЛАБКИ ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

A woman in a purple floral dress and a blue and white patterned headscarf is operating a sewing machine. She is looking to the left. In the background, another woman is also working at a sewing machine. A banner with text is visible on the wall behind them.

"Qishloq hayoti" muxbiri.

Озод ОЧИЛОВ
"Qishloq hayoti" мухбири

— Баҳорда об-ҳавонинг исиб кетганлиги туг бари ривожини тезлаштириб юборди, — дейди "Сабина-Шаҳноз орусси" МЧЖ пиллаҳонаси бош лаборанти Шарофат Эрматова. — Шунинг учун бу йилги мавсумда ипак курти озукага тез тўйиб, қатор майдонларда туг бари ортиб қолди. Бир йил чопилмай қолган тугдан келгуси йилда фойдаланиб бўлмаслигини ҳисобга олиб айни вақтда бундай майдонларда тугни қоғип, қаллақлаш, келгуси мавсумга тайёрлаш тадбирла-

ширдик. Утган йиллар ичида 30 тоннадан ошпик пиллани қайта ишлаб, сифатли ип қалава олдик. Бу эҳтижиятимизда даромад янада ошишига қўл келди. Бу йил асосий ҳосилни цехда қайта ишлаб, ип қалава тайёрлашни режалаштириб қўйганмиз. Хозир шу ниятда келтирилган пиллани қуриштиб, тайёрлаш ишларини уюшқоқлик билан адо этяпмиз. Ҳадемай янги ҳосилни қайта ишлашни ҳам бошлаб юборамиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

► Андижон шаҳрининг Боғи Бобур дам олиш масхонасида ҳайвонот боғи очилди. Ҳайвонот боғига Африка, Жанубий Америка ва Марказий Осиё ҳудудларидан турли-туман ҳайвонлар келтирилган бўлиб, улар орасида ўнлаб турдаги экзотик ва нодир жониворлар ҳам mavjud.

▼ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛА ФАОЛЛИГИ АҲОЛИ ФАОЛЛИГИДА КЎРИНАДИ

Мамлакатимиздаги ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан машғул, ҳар уч оиладан бири қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ҳар олти оиладан бири тижорат, ҳар саккиз оиладан бири хунаромандчилик ва кундалик эҳтиёж маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётир

Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунинг оилалар мустақамлиги, аҳоли бандлиги, ёшларни иш билан таъминлаш борасида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар АЛИМОВА билан айнан шу хусусида суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш, миллий ва маънавий қадриятларимизни эъзозлаш, шунингдек, замон билан ҳамнафас ҳолда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдек долзарб иқтисодий-иқтисодий масалаларни ижобий ҳал этиш, мазкур фаолият турларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолининг бандлик даражаси ва оила даромадларини оширишда яқна тартибдаги меҳнат фаолияти жуда кўл келмоқда. Бунинг оилавий бизнесни ташкил этишининг самарали натижаларини аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилаётган сўров ва тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда. Жумладан, “Иқтисодий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровларга кўра, мамлакатимиздаги ҳар тўрт оиладан бири оила-

вий бизнес билан машғул эканлиги, ҳар уч оиладан бири қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ҳар олти оиладан бири тижорат, ҳар саккиз оиладан бири хунаромандчилик ва кундалик эҳтиёж маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлиги маълум бўлди. Келажакда ўз оилавий бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган юрtdошларимиз сафи кўндан-кўнга ортиб бораётганлиги эса ушбу соҳани ривожлантириш нечоғлик муҳим эканлигидан далолатдир.

Маҳаллалардаги тадбиркорлик тузилмалари, кичик корхоналар аҳоли бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, оилалар даромадларининг ортишига ҳам замин яратмоқда. Айни пайтда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган 85 мингга яқин тадбиркорлик субъектларида 315 мингдан ортиқ фуқаролар иш билан таъминланган. Ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида маҳаллаларда касаначилик, оилавий бизнес, тадбиркорлик ҳамда миллий хунаромандчиликни ривожлантириш

ҳисобига республика бўйича 33700 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси маҳаллаларда оилавий бизнеснинг барча учун қулай тури ҳисобланади. Хусусан, бугунги кунда юрtdимиздаги 4 миллиондан ортиқ оила ихтиёрида 495 минг гектар томорқа ерлари мавжуд бўлиб, айнан уларда сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми етиштириляти. Бундан ташқари, хонадонларда 7 миллиондан ортиқ қорамол боқилмоқда. Уларнинг 4 миллионга яқини соғин ситирлар бўлиб, оила эҳтиёжи учун сут, гўшт маҳсулотлари ҳам ўзларидан чиқмоқда.

Ҳозирда маҳаллада тадбиркорликнинг нововийлик, саргарошлик ва касиб-лик йўналишларини янада кўчайтириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Бухоро, Наманган, Хоразм, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида тадбиркорликнинг ушбу турларига қизиқиш катта.

Айни пайтда иқтисодиёт реал секторининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик, шахсий томорқа ҳўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш маса-

лалари бўйича жамоатчилик назорати йўлга қўйилган.

Фуқаролар йиғинлари тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганларга хусусий тадбиркорликни ташкил этишда ҳўжатларни тайёрлаш ва фаолиятни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашмоқда. Бу борада Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика ҳудудларида оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига барча зарур услубий кўмакни кўрсатиб келмоқда.

Хўлоса қилиб айтганда, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг, хусусан, ёшларнинг иш билан таъминланиши, оилалардаги иқтисодий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишига замин яратди. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қўриб етади, нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли иқтисодий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир қорхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўядиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди”.

Гулноза ТУРҒУНБОВА
суҳбатлашди.

Бухоро Вилояти



ЁЗ АЙРОНИ — ҚИШ ҚАЙМОҒИ

Бу иборани биринчи марта жондорлик тажрибали чорвадор Бобоназар Чориевдан эшитдик. Кейин эса уни шарҳлагандек деди: — Дағал хашакни чорвадорлар ёзининг айрони дейишади. Қишда эса у қорамол учун қаймоқдай гап. Қиш учун озуқа жамғаришнинг ҳикмати шундай.

Кураш тушиб, эл орасида полвон бўлиб танилган Бобоназар ака кейинги йилларда чорвадор сифатида ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришди. У раҳбарлик қилаётган “Оллоҳназар Шохназар Бобоназар” фермер ҳўжалиги кўп тармоқли бўлиб, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Фермер ҳўжалиги бугун нафақат туманда, балки вилоятдаги энг йирик, насликчил ишлари яхши йўлга қўйилган, ўз қарамонига маҳсулдор қорамоллар подасини яратган, кўрсаткичлари юқори, иқтисодийёти бақувват ҳўжаликлардан бири саналади.

— Айни пайтда ҳўжалигимиз аъзолари бйлан дағал хашак тўплаш мавсумини бошлаяпмиз, — дейди фермер. — Ўзингиздан қолар гап йўқ, чорвадор молим деркан, қиш гамини ёзда еркан, деганларидек, қишлоғга тайёргарлик кўрапмиз-да. Бу йил баҳор яхши келди. Ўт-ўлан белга урди. Бу чорвамиз учун Яратганининг беминнат иноти. Уларни ўриб олсак, экин ерлари атрофи тоза, чорвамиз учун эса озуқа бўлади.

Ҳўжалигимиз аъзолари билан ҳамжихатликда мавжуд ишчи кучи, техника ва механизмлардан унумли фойдалансак, анча-мунча дағал хашак тўплаш имконияти бор. Зарурат туғилса, кўмакчиларни ҳам чақирамиз. Бир чамалаб кўринг-а, арзимас харажат эвазига тўпланган

шунча дағал хашакни сомон ёки беда билан аралаштириб, майдаланган ҳолда гамласак, чорва учун қиш мавсумида бундан тўйимли, хушхўр озуқа борми?!

Ўтган қиш узоқ чўзилиб, чорвадорларга етарли ташвиш туғдирди. Аксарият ҳўжаликлар чорва озуқаси етишмаслигидан азият чекишди. Сигирнинг сут тилида деганларидек, озуқа ҳаминқадар бўлганидан кейин қорамоллардан олинандиган маҳсулот ҳам шунга яраша бўлиши табиий ҳол. Аммо шундай синов йилида ҳам Бобоназар ака раҳбарлик қилаётган ҳўжаликда қишлоғга пухта тайёргарлик қўрилган боис чорва озуқаси тақчиллиги сезилмади. Сут ва гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасаймади.

Фермер ҳўжалиги ихтиёрида 4500 гектар яйлов мавжуд. Экин ерларининг эса 21 гектаридо гаппа, 112 гектаридо пахта етиштирилади. 20 гектар майдонга чорва учун озуқа экинлари экилса, 15 гектаридо чорвачилик тармоғида 290 бош қорамол, 1800 бош қўй, 30 бош от парвариш қилинади. Ҳўжаликда 30 киши доимий иш билан банд.

Албатта, биргина чорва моллари учун кунлик емиш,

қишлоқ учун озуқа захираси яратишининг ўзи ҳўжалик аъзоларидан, хусусан, фермердан қанча меҳнат, елиб-югуриш, ташкилотчиликни талаб этишини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Ҳўжалигимиздаги барча экин ерларидан, шу қатори чорва моллари учун озуқа экинлари экилган майдонлардан ҳам юқори ҳосил олиш мақсадида алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Бобоназар Чориев. — Белгиланган агротехник тадбирларни, юмушларни ўз вақтида ўтказамиз. Ҳўжалигимиз ихтиёридаги 10 та юқори унумли техника ва бир қатор механизмлар бу борада кўл келаяпти. Айниқса, сомон, дағал хашак жамғариш, галладан бўшаган майдонларга такоррий экин экиш, уларни саранжомлаб олиш палласида техника воситалари ҳам, ишчиларимиз ҳам тиним билишмайди.

Ана шундай меҳнат самараси ўлароқ ҳўжаликда галла ҳосилдорлиги гектар бошига 60-70 центнерни, пахта ҳосили 40-45 центнерни ташкил этиляпти. Йилга 145 тонна сут, 40-50 тонна гўшт ишлаб чиқарилмоқда. Турдош ҳўжаликларга ҳар йили 50-55 бош насли гунажин сотиляди. Ўтган йили эса фермер Украинадан 40 бош насли гунажин сотиб олиб, ҳўжаликда тўлиқ маҳсулдор ситирлар подасини яратди.

Бобоназар аканинг эътироф этишга арзигулик ишлари, ўрганса бўладиган тажрибалари кўп. Ҳўжалик қошида макарон цехи фаолият кўрсатаётганлиги, гўштни қайта ишлаш кичик қорхонасининг усуқуналари ўрнатилганлиги ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Наманган Вилояти

БОҒЛАР БАРАКАСИ



Янгиқўрган туманидаги “Раватан-Кадийн-Бешиктепа” фермер ҳўжалиги бошлиғи Ўсмонали Қосимов билан илк бор Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ташкил этилган “Ташаббус — 2012” кўрик-танловининг вилоят босқичида кўришган эдик. Ўшанда у раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиги фаолияти ва унда 240 нафар киши иш билан банд эканлиги эътиборимизни тортганди.

— Фермер ҳўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган, — дейди фермер. — У пайтларда умумий ер майдонимиз 10 гектар, аъзолар сони эса 12 кишидан иборат эди. Айни пайтда жами экин майдонимиз 162 гектарни ташкил этмоқда. Шундан 82 гектар ер мевали боғлардан иборат бўлиб, унинг 61 гектари янгидан экилган нихоллар ҳиссасига тўғри келади. Кўчат ораларига турли хил сабзавот ҳамда картошка экинларини жойлаштирганмиз. Бундан қўзлардан асосий мақсад, аввало, халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини яхшилаш, қолаверса,

фермер ҳўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширишдан иборат. Шунингдек, 78 гектар майдонда тоқзор мавжуд бўлиб, улар орасига ҳам паст бўйли экин турларидан эканмиз. Пиллачиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган 2,5 гектарлик тутзор эса камида 50 кўти ипак қуртини парваришлашга замин яратди. Жорий йилда “кумуш тола” хирмонига 2 минг 800 килограммлик хисса қўшдик.

Фермер билан боғ-роғларни, узумзорларни айландик. Ҳўжалик аъзоларининг бугунги кундаги юмушлари билан яқиндан танишдик. Йўлнинг

икки тарафидаги янгидан бунёд этилган боғлардаги нихоллар бехато кўхарган. Кўчат ораларидаги картошка ва сабзавот экинлари бегона ўтлардан тозаланган. Ҳўжалик аъзоларига ишлаш, хордик чиқариш учун барча шароитлар яратилган.

Чотқол-Курама тоғ этакларидаги кир-адирлар бағрида жойлашган мазкур фермер ҳўжалиги экинзорлари Поромон каналы ҳамда тик суғориш қудуқлари орқали сув билан таъминланади. Ёзининг иссиқ кўнларида суғориш ишларида биров қийинчиликлар сезилса-да, бу омилқўлик, ҳамжихатлик билан бартараф этилади. Боз устига, кечалари тоғ тарафдан энгил шабада эсиб, табиий мўтадил иқлим шароитини мунтазам равишда сақлайди. Табиийки, бундай шароит боғлар, мева ҳамда сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиш имконини беради.

— Иш пудрат усулида ташкил этилган, — дейди фермер. — Ҳар бир аъзога ярим гектардан мевали боғ ёки тоқзорлар бўлиб берилган. Ҳар қим ўз ишини билиб қилаверади. Бу ҳар қарич ердан самарали ва оқилона фойдаланиш имкониятини яратди. Фермер ҳўжалигимиз аъзолари орасида омилқор, тажрибали боғбонлар кўп. Абдурашул Мадрахимов, Абдуқалил Муродов, Носиржон Собиров, Аскаралли Муродовлар ўз меҳнатлари билан кўпчиликка ибрат бўлишмоқда. Ёш боғбонларга йўл-йўриқ кўрсатиб, устозлик қилишмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Хоразм Вилояти

САРМОЯДАН ҲАМ ТАРМОҚ РИВОЖЛАНАДИ, ҲАМ ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ

Бугун мамлакатимизда тadbиркор, ишбилармон, фермер ўз фаолиятини янада тараққий эттириши ва шунинг негизига қайта ишлаш қорхоналарини ҳамда истиқболли тармоқларни ташкил қилиш учун банкнинг молиявий кредитлари мадад ва қанот бўлмоқда. Аслида ҳам шундай, ҳар бир тармоқни ривожлантириш, унинг иқтисодий, яъни техник-технологик жиҳатдан базосини яхшилашда сармояларга суунилади. Провардида янги иш ўринлари яратилиб, қўшимча даромадлар ҳам кўпаяверади. Энг асосийси, бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ва тadbиркорларнинг фаолият юритиши давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояланиб келинмоқда.

Юртбошимиз раҳбарлигида молия-банк соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида республика банк тизимининг барқарор фаолияти таъминланиб, тижорат банклари томонидан аҳолига жаҳон стандартларига жавоб берадиган хизматлар кўрсатилмоқда.

Бу борада “Агробанк” ОАТБнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг 12 филиали, 45 минибанки томонидан ўн етти мингдан ортиқ микрозага агар соҳани ҳамда бошқа тармоқларни ривожлантиришга комплекс тарзда банк хизматлари кўрсатиб келинаётир.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, бошқарма ва унинг туман филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга 10 миллиард 247 миллион сўм кредит-

лар ажратилиб, бунинг ҳисобига 590 иш ўрни ташкил қилинди. Шунингдек, молия муассасаси томонидан қишлоқ ҳўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлари олишга, насли чорва моллари сотиб олишга, мева-сабзавот ишлаб чиқариш кўпайтириш мақсадида интенсив боғларни ривожлантиришга, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш учун кредит маблағлари ажратилаётир.

— Балиқ маҳсулотлари етиштиришни ният қилиб, бизнес-режа тўздик ва уни “Агробанк” ОАТБнинг Янгиахриқ филиалига тақдим қилдик, банк лойиҳани тасдиқлаб, бизга 300 миллион сўм кредит ажратди, — дейди “Хоразм балиқ” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ибодулло Махмудов. — Кредит эвазига 25 иш ўрни яратилди. — Келгусидаги режаларимиз аҳоли дастурхонига сифатли ва арзон балиқ маҳсулот-



ларини етказиб беришни кўпайтиришдир.

Бундан ташқари, банк томонидан Қўшқўпир туманидаги “Иқбол” хусусий савдо фирмасига паррандачиликни ривожлантириш учун 98 миллион сўм (11 янги иш ўрни), Хива туманидаги “Хива Қизил Жийда” масъулияти чекланган жамиятига гилам ишлаб чиқариш мақсадида 40 миллион сўм (8 иш ўрни) кредитлар ажратилди.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини замонавий технологияларда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, юрtdимизда таъриф буорган чет эллик мутахассислар ҳам бунинг эътирофи бўлишмоқда.

Президентимизнинг шахару қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат

ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли таъминлаш мақсадида қабул қилинган 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтиришга 2 миллиард 505 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 2 миллиард 654 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2012 йилнинг 27 февралда қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгилангандек, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни қўлайтириш, уларни ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва ишанч уй-жой би-

лан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш борасида Хоразм вилоятида ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёш оилаларга, оилавий тадбиркорлик ва хунаромандчиликни кенгайтириш учун 500 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Бугун юрtdимизда тадбиркор аёлларни фаолият юритиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида “ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтиришга 2 миллиард 505 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 2 миллиард 654 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2012 йилнинг 27 февралда қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгилангандек, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни қўлайтириш, уларни ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва ишанч уй-жой би-

ууман олганда, молия муассасасининг аграр соҳани ва истиқболли тармоқларини янада тараққий эттиришга йўналтираётган кредитлари юрт ободлиги ҳамда фаровонлигини яхшилашга улмуш бўлиб қўшиливеради.

Озод ОЧИЛОВ

Сурғарё Вилояти

Жорий йилда Гулистон туманидаги Зоиржон Жумакулов бошлиқ “Олимжон бахт дурдонаси” фермер ҳўжалиги аъзолари 30 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 48-50 центнердан дон йиғиштириб олишни мўлжаллашапти. Майдонлардаги бўлиқ бошоқлар кўзни қувонтиради.

БОШОҚЛАР БЎЛИҚ — ҲОСИЛДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

— Галлага сўнгги бор берилган сув тупроқда — эгatlарда намликни бир меъёрга ушлаш имконини берди, — дейди Зоиржон Жумакулов. — 28 гектар майдондаги гўзага берилган ишлов ҳамда ўтказилган юмшатиш тадбири эгatlарда захни қочириш билан бирга гўзанинг чўқур илдиэ отиши, ўзини мустаҳкамлаб олишини тезлаштирди.

Гўза ривожини янада тезлаштириш учун бир марта суспензия билан ишлов бердик. Айни пайтда гўзаларни суғориш чораларини кўрапмиз. Суғоришда, айниқса, маҳаллий ўғит ва фекалдан унумли фойдаланамиз. Шу мақсадда далалар бошига 80 тоннадан ошиқ гўнг жамғариб қўйдик.

Фермер ҳўжалиги зарур техникаларга эга. Механизатор Ваҳоб Жумакулов, сувчилар Нурбек Мадрахимов, Сайдали Мунавваровлар агротехник тадбирларни ўз вақтида пухта бажариб, омилкорлик билан меҳнат қилаётгани боис галлазорлар бугун тўқ бошоқларга тўлиб, гўза бараеж ўсаётир.

Фермер чорвачиликни ривожлантириш ва паррандачиликни йўлга қўйиш мақсадида 15 бош қорамолга мўлжалланган молхона, 300 товуққа мослаштирилган товуқхонани қуриб битказди. Шунингдек, чойхона, машиналарни ювиб-тозалаш шохобчаси қурилишни тезкорлик билан давом эттириляпти. Ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида замонавий услубда ёғзи дам олиш шйпони барпо этилиб, унинг чор-атрофида турфа гуллар экилмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент Вилояти

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

Ёз бошланди. Болажонлар орақиб кутган кун ҳам етиб келди. Энди улар юртимизнинг хушманзара ва кўркам жойларидagi оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Болаларнинг ёзи дам олишларини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришда Касаба уюмлари ташкилотлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Бу йил вилоятимизда жойлашган стационар оромгоҳларда 30 мингдан зиёд болаларнинг дам олишларини таъминлаш кўзда тутилган, — дейди Тошкент вилояти Касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Нодира Толипова. — Уларнинг кўнгилдагидек дам олишлари учун бирлашмага қарашли оромгоҳларнинг барчасида қизгин тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, "Коинот", "Ёшлик", "Кимёгар", "Хумо" ва "Зангори олов" номи оромгоҳларда қилинган ишлар ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Бирлашма томонидан ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида барча оромгоҳлар болалар адабиётлари, спорт инвентарлари, резинали кўча бассейнлар билан таъминланди.



Айтиш жоизки, жорий йилда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун 123 та кундузги оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун 255 миллион 200 минг сўм миқдорида маблаг жалб этилди. Шунингдек, болаларнинг мазмунли дам олишлари учун тадбиркорлар, фермер хўжаликлари томонидан ҳам ҳрмийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда.

Мавсум доирасида фарзандларимизнинг мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида кўнгилочар тадбирлар, кўрик-танловлар, таниқли ёзувчилар, санъаткорлар ва машҳур спортчилар билан учрашувлар, маҳорат мактаблари,

меҳрибонлик акциялари, шоу ва гала концертлар ташкиллаштирилади. Жумладан, "Энг намунали оромгоҳ", "Энг намунали оромгоҳ бошлиғи", "Энг меҳрибон тарбиячи", "Энг ташаббускор оромгоҳ етакчиси", "Энг яхши спорт йўриқчиси", "Оромгоҳнинг моҳир ошпази", "Илғор Касаба уюмлари ташкилоти етакчиси" сингари кўрик-танловларнинг ўтказилиши болаларнинг мазмунли дам олишларини таъминлашга хизмат қилади.

13 июндан Ўрта Чирчиқ туманидаги "Меҳржон" ва Покент туманидаги "Бойчечак" оромгоҳларида Оролбўйлик болалар ҳордиқ ола бошлайди.

Соҳиба СОЛИЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сертификатланган

SUVMASH
ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди

"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Хусайн Бойқаро кўчаси, 13-й.
Тел: (998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс: (998-71) 295-51-08;
E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru, sales@suv mash.uz, www.suv mash.uz

«Breed Cattle LLS»

компанияси зотдор сигирларни (келиб чиқиши - Швейцария, Голландия, Германия) келтириб беришни амалга ошириш имкониятига эга. Сигирларнинг зоти - Brown Swiss, Holstein, Fleckvieh.

Тўлов - ЎзР миллий валютасида.

Мурожаат учун телефон: (+99890) 968-72-99
e-mail: breed_cattle@mail.ru

ПРОДАЕТСЯ: б/у, свое

- ОБОРУДОВАНИЕ
- СТАНКИ
- ПОЛИАМИД
- ПОЛИСТИРОЛ
- ПВХ, П/Э, П/П
- КУПИМ. б/у
- АНКУМУЛЯТОРЫ
- ПЛАСТМАССУ
- ТЕКСТИЛЬНЫЕ
- ОТХОДЫ

т.: (+99898) 302-05-44

ООО "PROPOURUSH" (ИНН 205359381) Янсийорского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 378 787 979 сўм до 3 787 887 сўм. Тел.: 185-43-75.

ИП ООО "SHANAN LOGISTICS" (ИНН 200828210) Чиланзарского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 527 642 458,02 сўм до 18 748 500 сўм. Тел.: 272-76-31.

Учредитель: Устав ЧП "ТОП ОТА" зарегистрированного 30.03.2001 г. в АИИР-моссис (ныне Учредитель) Хошимитом г. Ташкента, считать действительным.

Учредитель: Устав ООО "АВТОМАТ" от 08.01.2006 г. (домашний) расположенного по адресу: 2-й. Назаров д. 30, выданный Учредителем БТИ на имя Собирова Абдусадыр и Собирова Абдусадыр, считать действительным.

"PAN BUSINESS" МЧК Устав фонда 1 014 000 000 сўмдан 2 600 000 сўмга камайтирилганлиги маълум қилади. Давлаткор учун тел.: 767-55-02.

ТАКРОРНИ ЭКИНЛАР УЧУН КАФОЛАТЛАНГАН УРУЕЛАР

«URUG-INVEST» Ўзбекистон-Сербия қўшма корхонаси

такрорний экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синодан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор

маккажўхори (вегетация даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 8-10 тонна),
кунгабўқар (вегетация даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 3-4 тонна)

дуратайлар ва соя (вегетация даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — гектарига 3-4 тонна)

уруғларини таклиф қилади.

Тел.: (+99897) 778-40-27. Факс (+99871) 234-82-45.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН КАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОЛТИНҚҮЛ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ ҚҮЙДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Буюртмачи: Олтинқўл тумани Ободонлаштириш бўлими (Андижон вилояти Олтинқўл тумани Улғунор кўчаси 1-уй. Тел. (+99874) 274-32-59, (+99874) 980-30-68).

Олтинқўл тумани Андижон — Наманган йўналишидаги кўча чиқорларини капитал таъмирлаш;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 314 309 900 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 261 924 917 сўм.
Ишларни тугатлаш муддати: 2012 йил 1 сентябргача.
Ишларни молиялаштириш: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий

ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Андижон ш. Чинобод кўча 59-уй, тел.факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кун ўтганидан сўнг юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

"МАР-РАК PLUS" МЧК устав фонди 516 076 480,80 сўмдан 497 084 480,80 сўмга камайтирилганлиги маълум қилади. Эътирозлар қўйишга манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент ш. Чиланзор т. Чиланзор 28-мавзе Зарғалим кў. 23-уй.

ООО "OIL LUBRICATING MATERIALS" (ИНН 302048592), зарегистрированное в Ханымском р-не (реестр № 003434-07, 06.07.2011 г.), сообщает об увеличении Уставного Фонда с 2 000 000 сўм до 2 700 000 сўм.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Махсусот сертификатланган

LIZINGGA SOTILAMAN

+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan

г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел.: (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-uzbekistan.uz
www.man-uzbekistan.uz

Мулкчилик шаклидан катъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ ҚҮЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Бухоро вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш".

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 225 419 514 сўм (ҚҚС билан), 187 849 595 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2013 йил 1 ноябрь.

Қурилиш ишлари Давлат бюджети

маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ИИБ Манзили: Бухоро шаҳри Б.Нақшбанд кўчаси 10-уй. Телефон (8-365) 224-21-21, факс 224-13-75.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ «ТЎҚИМАЧИЛИК» ФИЛИАЛИ ҚҮЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Бухоро шаҳридаги "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ "Тўқимачилик" филиали биносини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 1 173 619 093 сўм (ҚҚС билан), 978 015 911 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати — 12 ой.

Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ "Тўқимачилик" филиали Манзили: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй. Телефон (факс) (8-365) 223-49-33.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет

эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортига етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қиймати — Юз минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

Тошкент ш. Хамза т. ҳокимлик ҳудудидидаги ТҚРЙ томонидан (22.12.2010 й. реестр № 005508-08) рўйхатдан таъинланган (СТПР 484819574) номига 29.08.2010 й.да берилган (реестр № 0705530) Гувоҳнома рақами № 07-04469 (патент) йўриқчилиги билан берилганлиги маълум қилади.

Тошкент ш. Чиланзор т. ҳокимлик ҳудудидидаги ТҚРЙ томонидан (22.12.2010 й. реестр № 005508-08) рўйхатдан таъинланган "AMPULA FARM" ХК (СТПР 207105546), таъкилотчи-ҳуқуқий шакли "AMPULA FARM" МЧКга ўзгартирилганлиги маълум қилади. Тел.: 279-44-46.

Ранге опубликованное объявление в газете Частный Сектор за № 6 от 09.02.2012 года о ликвидации ООО "TERRAM TEAM" (ИНН 201838799) зарегистрированного отдела гос. регистрации субъектов предпринимательства Хошимитом Чиланзарского р-на (реестр № 006391-10, 11.02.2011 г.) в связи с возобновлением деятельности считать действительным. Тел.: 388-07-06.

Учредитель: план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Юнусабад м-н 10-д, 12-кв-ра 16, выданный БТИ Юнусабадского р-на на имя Шахмуратов Назир Абдуллович, считать действительным.

Учредитель: план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент, Гергеля-3 д. 15-кв-ра 29, выданный БТИ Сервисного р-на на имя Шахмуратов Назир Абдуллович, считать действительным.

ООО "JONEX" (ИНН 301882549), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хошимитом Чиланзарского р-на (реестр № 005428-03, 16.09.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Миробадский р-н ул. Азиев-ота, 65, ликвидировано (Протокол № 4 от 11.06.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ЧП "VIRGO GROUP" Кибрайского р-на Ташкентской обл. сообщает о преобразовании в ООО "VIRGO GROUP". Все претензии по тел.: 614-40-08.

ООО "SETTLOR BUSINESS" (ИНН 207117974), зарегистрированное в Юнусабадском р-не (реестр № 006636-10, 29.04.2011 г.) сообщает об уменьшении уставного фонда 50 000 000 сўм до 6 000 000 сўм.

ЧП "PROXONOV SOXH" (ИНН 301617148), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хошимитом Чиланзарского р-на (реестр № 005799-04 от 14.06.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. М.Улугбека д. 39, ликвидировано. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО "SPORMAX GOLD" (ИНН 302005471) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 140 000 000 сўм до 115 000 000 сўм. Претензии и требования принимаются в течение 30 дней.

Тошкент формальтика институти томонидан 30.09.2009 й.да А.Алиев Шажар Бабақалиев номли берилган 4377-сонли маълумот ошриганлиги ҳақидаги сертификат йўриқчилиги билан берилганлиги маълум қилади.

Республика хайвонлар ўта хавфли касалликлари бўйича ихтисослашган ветеринария лабораторияси жамоаси лаборатория бош мутахассиси, ветеринария фанлари доктори, Давлат мукофоти лауреати Илхом РАСУЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон молий ва то-лалли экинлар тажриба станцияси жамоаси қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим

Хасан ЮСУПОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнологик комплекси тарихийдаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РҲЗИЕВ, Улғубек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдирахмо ТИМНАЕВ, Махмуд ТОИР, Халиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулло ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2010-7021 772010702007	Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавий ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.	РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар	Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ Мухасшир: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОСОНУЛЛАЕВ
--	---	---	--	---	---	---

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди.	Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.	Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.25 22428 нусxada босилди. Нашр индекси — 144	Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақланади.	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	1 2 3 4
--	-------------------------------------	--	---	---	--	--	---	---------